

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 19 февраль • сешанба № 8 (848)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Келажак  
эгаларига  
эътибор

3

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси  
қабул қилинганлигининг 65 йиллиги олдида

## Инсон манфаати улуг

халқаро ҳуқуқий меъёрлар миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган

(Биринчи мақола)



Суратда: ТДЮИ талабалари Ахборот-ресурс марказининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларациясини ўрганиш учун ташкил қилинган "Инсон ҳуқуқлари бўйича очик кутубхона"сида.

ҲОЗИРГИ замон киши-си бугунги кунда инсонларнинг қонун ва суд олдида тенглигига ўрганиб қолган. Бу инсоният цивилизациясининг энг буёқ ютуғи. Албатта, бу ҳолатнинг оддий тус олганлигининг ўзи ижобий ҳодиса.

Лекин инсонларнинг тенглиги масаласи узок тарихга эга бўлиб, бу йўлда жаҳон халқларининг қанчадан-қанча адолатпарвар, ҳақгўй фарзандлари ўз жонларини қурбон қилишди. Башиарият куллик, тенгсизлик, геноцидизм ва фашизм балоси каби қанчадан-қанча оғир ва қийин замонларни бошдан кечирди.

1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси" қабул қилиниши билан XX асрда жуда бир муҳим давр, инсон ҳуқуқларини поймол этиб келган, шахсининг қадри-қимматини ерга урган, бу-

тун халқларни эзиб, эркин тараққиёт ҳуқуқларидан маҳрум этган тоталитар тузумлар, диктаторлик режими-ларини йўқотиш учун кураш бошланди.

Маъмур Декларацияни "инсоният тарихидаги муҳим ҳужжат" қолаверса, "инсониятни ҳаракатлантирувчи Хартия" сифатида эътироф этиш мумкин. Бирорта ҳам халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжат бугунги кунга қадар бундай юксак эътирофга сазовор бўлган эмас. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг ҳуқуқий табиатига нисбатан бундай эътироф асослидир.

Жумладан, Декларацияга мувофиқ инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг эътирофи шахсининг қадри-қиммати орқали ифодаланишидир. Унинг 1-моддаси — "барча инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан тенг бўлиб туғилишларини, улар

ақл ва виждон соҳиби бўлиб, ижтимоий ҳаётда бир-бирларига нисбатан биродарларча муомалада бўлишларини" белгилайди.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг тенглиги инсонларнинг тили, дини, жинси, этники, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий маъқолидан қатъи назар ҳеч қандай чекловларсиз ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга оширишида ифодаланади.

Демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мақсад қилиб қўйган Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, давлат ва жамияти қурилишида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг тасдиғи сифатида мустақил Ўзбекистон давлати 1991 йил 30 сентябрда дастлабки ҳуқуқий ҳужжат сифатида Инсон

ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига қўшилганлигида ҳам кўриш мумкин.

"Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислохотларни фаол давом эттириш, — деб таъкидлайди Юртбошимиз истиклолнинг дастлабки йилларида — шу аснода инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ва бойлик сифатида жамиятимиз ҳаётида асосий ўринга қўйиш доим эътибор марказимизда бўлади. Биз бундан буён ҳам "Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг" деган олижаноб шioriни амалда рўйбга чиқариш учун бор куч ва имкониятимизни ишга солаемиз".

Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг деярли барча нормаларида маъмур Декларация нормалари билан ўзининг уй-

ғунлигини ифодаляйди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг барча асосий гоя ва қоидаларини ўзига сингдирган".

1991 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилади" — деган конституциявий норманинг ўзи мамлакатимизнинг қай даражада халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигига аҳамият бераётганлигининг исботидир.

2

Муҳаррир минбари

## Оммавий маданият:

Ўн йилдан кейин нима бўлади?  
Ўн беш, йигирма, ўттиз йилдан  
кейин-чи?

ЎЗБЕКИСТОН Ёзувчилар уюшмасидаги йигинда миллатнинг таниқли адаби шундай деди. Ҳа, айнан шундай мазмунда: "Оммавий маданият тўғрисида дунё давлатлари сарҳадларини бузиб ўтаяпти. Бу ҳавф бизга ҳам кириб келди. Оммавий маданиятнинг ҳавф-хатари, бўҳронига қарши турганлар бугун жуда кўпчилигини ташкил қилар, лекин йиллар ўтавергач бундай аянчли ҳодисаларга киши қўничи қолмайдими? Ўн йилдан кейин неча фоз одам унга қарши бўлади, ўн беш йилдан кейин-чи? Йигирма, ўттиз йилдан кейин-чи?"

ХАВОТИР АСОСЛИ. Қайғуриб, ўрта-ниб бундай дейишга асос бор. Адиб ҳақ. Бундан 20-25 йил аввал Европа, океан орти давлати фильмларида кўрардик, ярим-яланғоч, ўзидан кетган қиз-жувону, аёлчаларини. Шулар кино-ю, рок концертлар орқали тасаввуримизда ўрнашди. Аввал тасаввуримизда. Кейин... Кейин, йиллар ўтиб кўз ўнгимизда пайдо бўла бошлашди. Эй-ей, бизга нима, бу бизнинг миллатдошимиз эмас, сайёҳ-майёҳдир, келадиган-кетадигандир, дедик. Кейин... Кейин, очиги бугун эса, ўша ярим оидин, киндигига сирга, бурнига халқа, қулоққа алламбало тақинчоқлар таққанлар орасида ўзимизни-киларни ҳам кўра бошладик. И-ей, ўзбекми анави, ўғил болами, қиз болами? Ўзбекмасдиров. Талмовсирагандай бўлди... Лекин, ер ёрилса-ю ерга кирсангиз ҳам шу — ўзбек болалари орасида ҳам шундайлар пайдо бўлди. Бу нимадан? Бу қаердан? Жавоб қисқа. Оммавий маданият, умумтурткилик, умумфеълликка интилишнинг дабдабали голяри келтирган касофат, офат!

Бугун биттадир, иккитадир ўзидан кетган қиз-жувон, ёки ўзини эркин санаб қулоғига сирга урган "азамат". Бундайларга бутун миллатимиз қаршидир, эҳтимол... Бу яхши. Кўпнинг қарши қаршини қайтаради. Лекин оммавий маданият гирдобига тушиб, Худонинг қаршига йўлқанлар сафи эртага яна битта-иккитага кўпайса, буларнинг давраси кенгайса, ўз-ўзидан бундай шармисорликка қарши бўлганлар сафи камайиб бормайдими? Гап биргина киндигига сирга тақиб, яланғоч юрганлар ҳақида, ёки сими-симбати ўзгарган ҳалиғичалишлар ҳақида кетма-кет, балки, мафқураси бузилиб бўлганлар ҳақида кетаяпти, мафқурасидан эса бундан ҳам ёмон нарсаларни куттиш мумкин.

Улуғ файласуф ҳамда жамоат арбоби, ўз халқининг етакчиси Махатма Ганди шундай деганди: "Глобаллашув яхши. Мен хонадонимга қуёш нури ва соф ҳаво кириши учун дараза ва эшикларни очиб қўйсам, ўша очик эшик ва даразалардан глобаллашув бўрони кириб, уйимни чиқирак этиб учириб, остин-устун қилиб, мени хонавайрон этмаслиги керак..." Баҳо шу!

Оммавий маданият глобаллашув кулканси остида кириб оляпти. Эзгулик нурини тўсиб, ёмғир олиб келадиган қўлла-булутининг "саховати" ернинг қўлла-яшнаши учун нафи тегмайди. Ерга нур ва тоза ҳаво, шамоллар ҳам керак...

Оммавий маданият — сен ҳам биздай бўл, ўзингни ўйла, хоҳлаганингни қил, қийим қийма, хоҳласанг жинсдошинг билан никоҳдан ўт, хоҳласанг ҳайвон билан тақдирдош бўл (!?), эркин яша, атрофга қўл силта, сен ўзинг учун яша, қанақа ота-она? Қанақа қариндош-уруғ?... хуллас, айтулик дегулиги йўқ ақидалар сингдирилган усул ва воситалар орқали тарғиб қилинмоқда. Бу компьютер (интернет), бу қўл телефон, бу айрим телеканаллар, бу турли хил парнонашрлар, фильмлар, шоу дастурлар ва ҳоказо... Яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиш давридаги балоғат ёшидагилар қисмати учун эса юқоридаги усуллар инсон ҳаётига тажовуз қиладиган ўқотар қуроллардан кўра ҳам

хавфлироқдир. Қуролдаги ўқ битта одамни нишонга олади, оммавий маданият ўқи эса минг-миллионлаб инсонлар онгига қаратилади.

Интернетга қарши бўлиш, сойда шиддат билан келатган селга кўрак тутаман, тўсиб қоламан, дейиш билан баробардир, эҳтимол. Лекин, ундан эзгулик, яхшилик, илм-фан, келажак йўлида фойдаланишни ўрганишимиз керак. Миллатнинг асрлар давомида шаклланиб қолган маънавий қадриятларини, халқимизнинг улугъ фазилатларини қалқон қилишимиз керак. Бунинг учун ҳар биримиз ўзимизда миллий қадриятлардан куч олган мафқура иммунитетини шакллантиришимиз лозим. Уйда, кўчада, маҳаллада, бозорда, ишда, ўқишда, бутун Ватан ҳудудида. Ҳамма-ҳамма жойда. Ўзини асрамаган ўзгага ем бўлади, дейдиган ҳулоса билан яшаш пайти келди. Ёки сиз болангизни тун бўйи тонг отгунча яланғоч дунё "жозибаси"дан бахраманд бўлишини истайсизми?! Унда сиз уни, у эса сизни йўқотиб қўяди. Ота-онасини йўқотган фарзанд Ватани, миллати тақдирини учун қайғуради, деб ўйлайсизми?!

Қуш ҳам уясини бут сақлаш учун қурашади. Иним бузилмасин, дейди. Ҳавф-хатарга қўқисни тутишга ўзида куч топади. Биз юқорида айтган гаплар хавф-хатар эмасми биз учун?! Ҳар ҳолда қуш эмасмиз-ку! Инсонимиз, оиламиз бор! Оиладаги ўсмир эса бизнинг ҳаётимиз давомчиси!

Дарахтнинг танаси қанча йўғон, шох-наваллари қанчалик кўп, сербағ ва сермева бўлмасин, унинг илдири бақувват эмас экан қурийдми, ёхуд арзимас шамоллар уни ғуллилатиб қулатади. Бугун миллат ҳақида ҳам шундай дейишимиз мумкин... Дарахтни илдири ўшлаб туради, миллатни эса улугъ қадриятлар тутиб қолади. Ҳар қандай мафқура бўронлари илдири, мафқураси чуқур кетган халқни йикитолмайди.

Бугун биз учун хавотир олишимизга асослар ҳам, мисоллар ҳам бор. Буларни ипидан игнасигача ёзиб, изоҳлаб ўтишни эп қўрмадик. Бирок, дунё айниб, дунё бузилиб, мафқура полигон ядро полигонларидан хавфлироқ тус олаётгани ҳақиқат. Катта адиб айтгани каби инсонни эзгулик, оқибат, яхшилик, меҳр-муҳаббат, садоқат, севги вафого ундовчи, ёруғлик, ахлоқ ва адаб тарғиботчиси бўлган адабиётнинг улкан, дунёвий намоёндаларини ҳам негадир жим тургандай... Нобель мукофотини олган ёзувчи-шоирлар ҳам бугун дунё бузилиб кетаяпти, дунё қўлдан кетаяпти, жим туролмайман, жим турмаслигимиз керак, деб бонг уришмаяпти. Жим ўтиришибди. Хафсаласизлик, мудроқлик ёки майдақашлик томир отганди... Йўқ, дунё бундай хафсаласизликка қўниқмаслиги керак.

Сиз билан биз эса дунёнинг бир бўлагимиз. Керак бўлса, бизнинг оиламизнинг ўзи дунёдан каттароқ дунё бўлиши мумкин. Ҳаммаимиз ўзимизни, боламизни, уйимизни мафқуравий илдиризмизни асрасак, дунёни асраётган бўламиз... Менга нима деман! Эгоцентризмга қўл берманг. Эгоцентризм эшик қоқмоқда! Эгоцентризм ҳақида кейин гаплашамиз...

Қўқор НОРҚОБИЛ

## ЮМОМда Янги дастур асосида ўқув-машғулотни бошланди

ЮРИСТЛАР малакасини ошириш мақсадида судьялик лавозимига захирага олинган кадрлар учун янги дастур асосида ўқув машғулотлари бошланди. Биринчи босқичда танлаб олинган 156 нафар судьяликка номзодлар марказда белгиланган 3 ойлик муддатда суд-ҳуқуқ тили-маданияти ислохотлар юзасидан ўз билим ва қўниқмаларини оширадидилар.

Судьяликка номзодларни тайёрлаш дастурлари судьяларнинг зиммасига юклатилган ва-зифалардан ва уларга қўйиладиган умумий малака талаб-

ридан келиб чиқиб, қайтадан қўриб чиқилди.

Ушбу тайёрлов курс ва судларда стажировка ўташ номзодларнинг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги қўниқмаларини шакллантириш, суд процесси иштирокчилари билан мулоқот олиб боришнинг самарали усулларини қўллаш, судьянинг хизмат ва-зифасини бажариш жараёнида ўзини тутиши, шунингдек, суд этикаси қоидаларини тўлиқ ўзлаштириб олишга қаратил-моқда.

Суд психологияси, суд эти-

каси, низоли вазиятларни бошқариш, суд ишларини қўриш амалиёти, қонунчиликдаги янгиликлар, халқаро-ҳуқуқий стандартларни суд амалиётида қўллаш каби янги йўналишларда машғулотлар ташкил этилган. Бу борада Юристар малакасини ошириш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди ҳамда Адвокатлар палатаси билан самарали ҳамкорликда фа-олият юритмоқда.

Ўқув-машғулотига 100 дан зиёд амалиётчи мутахассислар жалб этилган. Машғулотларни олиб бориш учун ихтисослашган аудиториялар, компьютер ва тест синфлари, суд зали, кутубхона ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази маъ-жуд бўлиб, улар замонавий ўқув-технологий воситалар, элек-трон технологиялар билан яна-да бойитилди.

## Маърифат соати Аждодларга эҳтиром


АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА узлуксиз ўтказиб келинаётган ўқув-машғулотнинг навбатдаги-си ҳассос ижодкор, шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишланди.

Тадбирда тарих фанлари номзоди, до-цент Жумабой Раҳимов иштирок этди. Унда таъкидланганидек, Бобурнинг машаққат ва Ватан соғинчи билан ўтган умри, ижодий мероси авлодлар учун ҳар доим ибрат бўлиб қолаверади.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси



# Тизим тадбири Тадбиркорлик ҳимояси



**Фаргона вилояти адлия бошқармаси томонидан** мутасадди идоралар хусусан, вилот иқтисодиёт, молия, солиқ, божхона, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг **“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”**ги Қонуни-нинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ташкил этилди.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган кенг имкониятлар ва соҳанинг ҳуқуқий асосини таъминлашдаги миллий қонунчилик базасининг доимий равишда жамият талабларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириб борилаётгани қулай ишбилармонлик муҳитини яратмоқда.

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ҳамда кичик бизнес соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни назарда tutувчи Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент Қарор ва фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари бозор иқтисодиёти шароитида юртимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг юқори қўрсаткичларга эришишини таъминламоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган **“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”**ги Қонуни ҳам тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги янгича муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда мазкур Қонуннинг мазмун-моҳиятига қолаверса, унда асосий тушунчалар тарзида келтирилган ваколатли органлар, рухсат беришга доир талаблар ва шартлар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда ушбу Қонуннинг амал қилиш доирасида рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари каби тушунчаларнинг аҳамияти юзасидан иштирокчиларнинг саволларига атрофли-ча жавоб қайтарилди.

Адлия вазирлиги  
Ахборот хизмати

## Адлия аралашгач Қонуний қарор қабул қилинди

АДЛИЯ органлари томонидан назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлари ва тадбиркорларга нисбатан қўллаётган ҳуқуқий таъсир чораларининг қонунийлиги доимий ўрганиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, рухсатсиз текшириш қабатидан урчаб турибди. Рухсатсиз текшириш оқибатида содир этилган қонунбузилишларни бартараф қилиш юзасидан 67 та тақдирнома ва текшириш натижасида қабул қилинган ноқонуний қарорларни бекор қилиш ва тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан судларга 30 та даъво аризаси киритилди.

Қўрилган чораларга асосан 91 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилди, уларнинг 55 нафари интизомий ва 23 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган 29 та ноқонуний қарор бекор қилинди.

Қонун ҳақидаги “Мақсуд Транс Мақсуд” МЧЖ фаолияти билан боғлиқ воқеани мисол тариқасида келтириш мумкин.

Гап шундаки, Қонун ҳақидаги фаолият кўрсатаётган “Мақсуд Транс Мақсуд” масъулияти чекланган жамияти раҳбари О.Чориевнинг солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текшириш натижасида 3 789 200 сўм қўлланилган молиявий жаримадан норози бўлиб қилган мурожаати адлия органлари томонидан ўрганилганда, солиқ инспекцияси ходимларининг текшириш ўтказиш тартибини бузиш ҳолатига йўл қўйганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан Бухоро вилояти хўжалик судига солиқ инспекциясининг жамиятга нисбатан 3 783 200 сўмлик молиявий жарима қўллаш ҳақида қабул қилган қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида, қиритилган даъво аризаси, суднинг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, қарор ҳақиқий эмас, деб топилиди.

Зафар МУСТАФАКУЛОВ,  
Адлия вазирлиги  
масъул ходими

(Давоми.  
Боши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрларида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг қоидалари мужассам топганлигини қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, бозор ислохотларини изчил амалга ошириш, йирик давлат ижтимоий дастурлари, жумладан, “Соғлом авлод”, “Она ва бола”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Оила йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили”, “Мустақам оила йили” ва “Обод турмуш йили” каби давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми яратилди ва улар амалда самарали жорий этилмоқда.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим қафолатига айланди. Ўзбекистонда жиноятларнинг таснифлицини тўла ўзгартирилди.

Натيجида озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо қўлланилиши кескин қисқарди.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самардорлигини ошириш чора-тадбирлари изчил жорий этилмоқда. Судлар жинсий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича иқтисослаштирилди, суд ишларини апелляция ва кассация қўриб чиқиш институтлари, ярашув институти жорий қилинди.

Ўзбекистонда 2008 йил январдан ўлим жазосининг бекор қилиниши, ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асослари яратилиши баробарида, унинг амалда таъминланишини қузатувчи миллий институтлар ва ваколатли органлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институт, шунингдек, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бошқарма ва бўлимлар каби тизим яратилди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республика-

си Президенти Фармонида асосан 1996 йилнинг ноябрда ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Бу марказ ижро этувчи ҳокимиятнинг таркибий қисми бўлиб, у инсон ҳуқуқ-

“тўғрисида”ги Қонун ва “Мустақиллик неъматлари” каби мавзуларда турли тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Адлия вазирлигининг ҳуқуқий тарғибот бўйича бошқа давлат органлари билан тузилган меморандумларга асосан кенг аҳоли ўртасида

Инсон манфаати улур халқаро ҳуқуқий меъёрлар миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган (Биринчи мақола)

ларини ҳимоя қилувчи ташкилот сиёсатида фаолият кўрсатади.

Юртимизнинг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан Адлия вазирлиги Конституция ва қонунлар асосида мустақамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш вазифаси юклатилганлиги ҳамда шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида вазирлиқда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилганлиги Адлия вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг янги механизмига асос солди.

Бундан ташқари, Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ёш авлодининг ҳуқуқий онги ва тафаккури ҳамда маданиятини юксалтириш борасидаги тарғибот ишлари йил сайин қучайиб бормоқда.

Шу ўринда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат ҳокимияти ва бошқаруш органлари, бошқа қорхона ва ташкилотлар, шунингдек, халқаро ташкилотлардан келиб тушган ҳужжатларни қўриб чиқиш борасида ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг аҳамияти, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари

долзарб мавзуларга бағишланган 20 мингдан ортиқ уршувлар ўтказилди.

Ҳуқуқий тарғибот ҳақида сўз кетганда, Адлия вазирлиги муассислигидаги “Инсон ва қонун” газетаси, “Ҳуқуқ ва бурч” журнали ҳамда “Адолат” нашриётларида мунтазам равишда ёритилиб келинаётган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари мавзуга бағишланган мақолалар алоҳида эътирофга сазовордир.

Таъкидлаш лозимки, 2008 йилда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилиши Адлия вазирлиги муассасаларининг бу борадаги ишларини янада жонлантириб юборди.

Адлия вазирлиги тизимидаги Юристар малакасини ошириш марказининг муҳим йўналишларидан бири инсон ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятдир. Марказ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд тизими ходимларининг инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда кенг қамровли ишлар олиб боради.

Марказдаги “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедрасининг ўқув дастурларига инсон ҳуқуқларига оид масалалар киритилган.

Шунингдек, Халқаро ҳамкорлар билан биргаликда узлуксиз инсон ҳуқуқларига оид масалаларга бағишланган тадбирлар ташкил этилади. Жумладан, бу борада, Марказ БМТнинг Тараққиёт Дастури, ЕХТнинг Лойиҳалар Координатори, БМТнинг ГИ-ёҳанд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси, Германиянинг Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамағармаси (IFZ), Германиянинг Ф.Эберт жамағармаси каби Ўзбекистон

Фарида ҚОРАКУЛОВА,  
“Инсон ва қонун”  
муҳбири

## Маънавият сабоқлари Алоҳида эътибор қаратилмоқда

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ тизимидаги Юристар малакасини ошириш маркази судьялар ва суд тизимининг борма ҳодимлари, адлия органлари, адвокатлари, ҳуқуқшунос профессор-ўқитувчилар ҳамда халқ хўжалиги соҳасидаги юридик хизмат жобҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш йўналишидаги етакчи муассаса ҳисобланади.

ЮРИСТЛАР малакасини ошириш марказида тингловчилар дунёқарашини нафақат ҳуқуқий, балки маънавий-маърифий йўналишдаги билимлар билан ҳам бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун номзодларнинг маънавий дунёқарашини янада юксалтириш, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳиятини уларга етказиш мақсадида, таъкид олимлар, иқдоркорлар билан уршувлар ташкил этилмоқда. Шундай уршувларда Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев ҳамда сиёсий шарҳловчи Қўбилбек Қаримбековлар иштирок этишди.

Бундай маънавий-маърифий тадбирлар ҳуқуқшунос кадрлар салоҳияти ва маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўткир ЖАЛОЛОВ,  
Юристар малакасини ошириш  
маркази бўлим бошлиғи

## Адлия ёрдам берди Энергия билан таъминланди

ХОРИЖИЙ сармоя иқтисодиётни ривожлантиришда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Хорижий сармоядорларга мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий асосларни, қулай шароитлар ва имтиёзларни тушунириб бериш, чет эл инвестициялари иштирокидаги қорхоналарда мониторинг олиб бориб, зарур ҳолларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш инвестиция ишон билан кириштирилиши зарур шароитдир. Биз аҳолини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида бундай қорхоналарга етказилган зарар қоплашишига, айниқса, ўзаро ҳисоб-китоблар аниқ ва тўри йўлга қўйилишига эришмоқдамиз. Зарур ҳолларда қонунда белгиланган чоралар ҳам қўрилмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан “ADM Tekstil” МЧЖ шаклидаги хорижий қорхона бошлиғи ўринбосари Ш.Каримовнинг шаҳар электр тармоқлари ходимлари ҳаракатларидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Хорижий қорхона ва электр тармоқлари ўртасида тузилган шартномада етказиб берувчи истеъмолчи соатига 1000 кВт электр энергияси етказиб бериши белгиланган. Аммо Тошкент шаҳар электр тармоқларининг 2012 йил октябр ойидаги оғоҳомасига кўра, шартномада кўрсатилган 1000 кВт энергия 30 фоизгача қисқартирилиши тўғрисида қорхона оғоҳлантилган. Қизиқи, шунки, хорижий қорхона оғоҳлантириш ха-

Республикасида фаолият кўрсатаётган халқаро ва хорижий ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Адлия вазирлигига қарашли ТДЮИдаги Инсон ҳуқуқларига оид фанлар ўз доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатларнинг халқаро ҳамкорлигининг тарихий тараққиёти, бу соҳада давлатлараро ҳамкорлик таъминлири ва меъёрларни амалга оширишининг халқаро механизмлари каби масалаларни қамраб олган.

Хусусан, Ишчи ўқув дастур — “Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари” фани бўйича магистратура мутахассислиги талабаларининг билим, кўникма, ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, ТДЮИ Ахборот-ресурс марказининг 7516 нуска китоб фондига эга “Инсон ҳуқуқлари бўйича очик кутубхона” филиали талабаларнинг билимларини бойитишда муҳим ўрин тутди. Адабиётларнинг асосий қисми инсон ҳуқуқларини ўрганишга ёрдам берувчи материаллардан иборат бўлиб, жумладан, “Аёллар ҳуқуқи”, “Бола ҳуқуқлари”, “Қочқарлар ҳуқуқи”, “Вояга етмаганлар ҳуқуқи” ва ҳоказолар бўйича турли тилларда китоб, рисола, ўқув-методик қўланмалар, вақтли ва давомли нашрлар мавжуд.

Ушбу филиалда ҳаҳоннинг қўллаб-қувватларида турли тилларда чоп этилган адабиётларни топиш мумкин. Ўқув адабиётлари, справкамалар, маълумот нашрлари, монография, журнал, жаҳон давлатлари конституцияси ва кодекслари каби китоблар фонд кенг китобхоналар омма-сига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, катта ҳажмдан иборат юридик соҳага оид материаллар жамланган CD ва DVD дисклар мавжуд. 2012 йилнинг биринчи чоратида “Инсон ҳуқуқлари бўйича очик кутубхона”нинг ўқув залида параллел равишда электрон кутубхона ҳам шакллантирилди.

Ахборот-ресурс марказининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича очик кутубхона”си бир вақтинчи ўзига 40 нафар китобхонага хизмат кўрсата олади. 40 ўрин билан жиҳозланган ўқув залида 15 та компьютер ҳам мавжуд.


Ушбу очик кутубхона ўқув залида турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказиб туриш учун ҳам мўлжалланган.

Дунё олимларининг эътирофи этишича, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилингандан буюн барча миллат ва элларнинг бахт-саодати йўлида хизмат қилмоқда. Умумжаҳон микёсида Декларация буткул демократик ривожланган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг қонунчилигига ижобий таъсирини кўрсатиб, инсон ҳуқуқларини амалга оширишда асосий йўланма сифатида хизмат қилмоқда.

Фарида ҚОРАКУЛОВА,  
“Инсон ва қонун”  
муҳбири

## Таълим ва тараққиёт Битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш

қонун ҳужжатларида  
белгиланган муҳим вазифа



МАЪЛУМКИ, Тошкент давлат юридик институти республикада ҳуқуқшунослик иқтисосликлари бўйича юқори малакали, етук мутахассис кадрлар тайёрлайдиган ўзига хос нуфузли олий ўқув юрти саналади. Шу бонс, табиийки, унинг меҳнат жамоаси зиммасига мустақил мамлакатимизнинг ҳар қандай қорига ярайдиган, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишда фидойиллик ва жонбоилик кўрсатиб фаолият юритаётган, илгор юридик билимлар билан пухта қуролланган, маънавияти юксак, ҳар томонлама етук, ўқинишли ҳуқуқшунос мутахассисларни тарбиялаб етказишдек улкан вазифа юклатилган.

ЮРТБОШИМИЗ таъкидлаганидек, “Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан келиб қуриб бермайди. Уни ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз.

Бу эскича фикрлаш юқидан ҳоли бўлган янги ҳодимлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратишни таъқоз этиди. Таълим беришнинг маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизими ишлаб чиқилиши зарур...”. Бу дастурий-амал қўрсатмалардан шу нарсга равшанки, мустақил ҳаётга учирма бўладиган битирувчи талабаларни билан мақсада мувофиқ турли таълимий, маърифий ва тарбиявий тадбирлар ўтказиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларнинг қўламли бўлажак ёш юристарнинг тафаккури, дунёқарашига катта таъсир кўрсатади.

Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 4 январда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳақидаги расмий ҳужжатларда олий таълим тизимини янада тақомиллаштириш, ҳозирги давр талабалари даражасига қўтариш кўзда тутилган.

ТДЮИда битирувчи талабалар билан мақсада мувофиқ кенг қамровли фаолият олиб борилишида тегишли қонун ҳужжатлари дастурийлаш бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, 2005 йил 6 августдаги “Кадрларни давлат грантлари асосида мақсади тайёрлаш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Низомга кўра, битирувчи талабалар мажбурий тартибда камид 3 йил ишлаб бериш шартли билан таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотларга тақсимлаш вазифаси белгиланган. Шунингдек, битирувчиларни таълим олган йўналишлари ва касбий тайёргарлик даражасига кўра тақсимлашни мувофиқлаштириш учун институтда доимий ишловчи Тақсимот комиссияси ташкил этилган.

Тақсимот комиссиясининг фаолияти гоянда кенг қўламли бўлиб, битирувчи талабаларнинг маънавий қўёфасини, дунёқарашини янгича гоёлар негизида шакллантириш билан боғлиқ масалалар асосий ўрин тутди. Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга оширишда институт Мураббийлар кенгаши, академик гуруҳлар, устоз-мураббийлар фаолияти, устоз-шоғирдлик аънаёлари, шунингдек, адабиёт ва санъат намоёндалари, фан арбоблари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари билан маърифий-тарбиявий мавзуларда уршув соатлари ташкил этилишининг аҳамияти беқийс.

Жумладан, жорий ўқув йилида уруш ва меҳнат факрийлари, Адлия ва Ички ишлар вазирлиги, “Агробанк”, Бош прокуратура, Олий суд тизими масъул ходимлари, Адвокатлар палатаси вакиллари билан бўлиб ўтган уршувда битирувчилар ўзларини қизиқтирган қўллаб ҳаётий саволларига батафсил жавоблар олишди. Талабалар томонидан ўртага ташланган “Ҳуқуқий давлатчилик тизимининг устувор тамойиллари нима?”, “Ҳуқуқий маданият тушуниши қандай маъно, мазмунни англатади?” Меҳнат кодексининг муҳим қонуний ҳужжат сифатидаги ўрни ва аҳамияти, “Агробанк” ва агробизнес тизимининг ўзаро нисбатини нимада?”, “Агробанк” тизимининг қишлоқ ҳаётида тўб ўзгаришларга таъсирини нималарда кузатса бўлади?”, “Жамиятимизда жиноятчиликнинг қайси турлари кўпроқ содир этиляпти ва бунинг сабаблари нимада?”, “Айрим жиноятларнинг очилмай қолишини нима билан изохлаш мумкин?”, “Ҳозирда тез шаклланиб бораётган ўзбек ҳуқуқий давлатчилиги қандай тарихий тамойилларга асосланади?”, “Конституцияимизнинг халқчилик моҳияти нимада?” сингари хилма-хил саволлар афроғидаги мушоҳада ва фикрлар тадбирига янада қизғин тус берди.

Айни чоғда битирувчи талабалар учун қулайлик яратиш мақсадида институт веб-сайтида “Маркетинг бўлими” саҳифаси очилди. Ушбу саҳифа орқали бўлимдаги энг сўнгги янгиликлар, яъни бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни мунтазам кузатиб бориш мумкин. Шунингдек, бу саҳифа битирувчиларга қўйилмаган талаб ва маслаҳатлар билан яқиндан танишиб бориш имконини яратди.

Институтда Тақсимот комиссияси томонидан битирувчиларни ишга тақсимлаш, йўланма орқали юбориш ва уларнинг иш жойлари мониторингини доимий тарзда олиб бориш мақсадида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан узвий алоқа ўрнатилган.

Институт микёсида ўтказиб борилаётган бу каби амалий тадбирлар бақалар ва магистрлик йўналишида юқори малакали ёш мутахассис кадрлар тайёрланишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Бизнинг юрист мутахассисларимиз нафақат республикада, ҳатто чет давлатларда ҳам ибратомуз меҳнат қилмоқдалар. Мисол тариқасида, Вена шаҳридаги БМТнинг “Наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш” ташкилотига ишлайётган Н.Иброҳимов, Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги ваколатхонаси маслаҳатчиси А.Юсупов, “General Motors” компаниясининг ҳуқуқшуноси Д.Жабборов, БМТнинг Ўзбекистон ваколатхонасидаги “Наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш” ташкилот масъул ходими Ж.Омонов каби ёш юрист кадрларнинг номларини келтириб ўтқиш ўринлидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, институтимиз томонидан олий таълим тизимига қўйилмаган юксак масъулият ва талаблардан келиб чиқиб ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохотининг ҳаётий эҳтиёжлари ва ўткир муаммоларини қатъий ҳисобга олган ҳолда етук, ҳар жиҳатдан баркамол ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, уларни тўлақонли иш ўринлари билан таъминлаш борасида улкан ишлар олиб боришмоқда.

Феруза ЖАЛОЛОВА,  
ТДЮИ маркетинг бўлими бошлиғи



## Ислоҳот ва имконият

Келажак  
эгаларига эътибор

ДАВЛАТИМИЗ мустақиллиги эълон қилинганлигига эндиgina саксон кун тўлган вақтда мамлакатимизда **“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши ўз-ўзидан ўша пайтдаёқ Ўзбекистонда ёшларга оид сиёсат давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланишидан далолат берган эди.



ЎЗБЕКИСТОН — ёшлар мамлакатидир. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 64 фоизини 30 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этиши, аҳолининг ўртача ёши эса 26,9 ёш эканлиги шундан далолат берса, Бош қомусимиз қабул қилиниши жараёнида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият ҳисобга олинганлиги ҳамда бевосита ёшларга оид 140 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги ва уларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар ҳуқуқий ва сиёсий нуқтаи назардан мазкур фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатимизда ёшларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан етуқлигини таъминлаш мақсадида қисқа вақт ичида фахрланасан ҳар қандай ислохотлар амалга оширилди. Ҳусусан, таълим тизимини тубдан ислох қилиш мақсадида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури асосида 1539 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 7800 дан зиёд умумтаълим мактаблари янгидан қурилиб, тулқ замонавий воситалар билан жиҳозлангани, олий таълим муассасаларининг сони 1,8 баробар (37 тасдан 66 тага, шундан 59 таси миллий, 7 таси хорижий) кўпайиб, 5980 та болалар спорт маскани, 6151 та ёпиқ спорт зали барпо этилгани мазкур соҳа давлатимизнинг алоҳида эътиборида эканлигини кўрсатади.

Бу борадаги ислохотлар ва саяёҳаракатлар ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ҳусусан, 2011-2015 йилларда 700 дан ортиқ тиббиёт муассасаси, 400 та болалар спорт мактаби, 221 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, спорт билан мунтазам шуғулланган болалар сонини 2 баробар кўпайтириш, замонавий “электрон таълим” лойиҳасини жорий этиш каби кўплаб ишлар режалаштирилган бўлиб, бу вақтлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда эришилаётган натижалар 2011-2012 йилларда пойтахтимизда ўтказилган нуфузли халқаро анжуманларда йирик халқаро ташкилотлар вакиллари, дунёнинг барча қитъаларидан келган хорижий экспертлар томонидан ҳам эътироф этилди.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг яна бир муҳим йўналиши, табиийки, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини юксалтиришдан иборатдир.

Ҳуқуқий маданият жуда кенг тушунча. У жамият аъзоларининг ҳуқуқий ҳулқ-атвориини ифодаловчи мезондир. Шубҳасиз, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини оширишда Бош қомусимизнинг аҳамияти бекиёсдир.

Элдор ХАМРОЕВ,  
ТДЮ магистранти

МАМЛАКАТИМИЗДА барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Аввало, олиб борилаётган ислохотлар жараёнида мазкур тизимга оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш масаласига бирламчи ва-зифа сифатида қаралди. Ҳусусан, **“Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”**ги, **“Психиатрия ёрдами тўғрисида”**ги, **“Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилинди. Бугунги кунда ушбу қонунлар ижроси ўз самарасини бермоқда.

Ҳозирда халқимизнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди.


## Саломатлик — туман бойлик

## Ислохотлар замирида

инсон манфаати мужассам

Шунинг ўзиёқ Ўзбекистонда бу борада катта ўсиш суръатларига эришилаётганини тасдиқлайди. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар улуши 15,7 фоизни, ялпи маҳсулотга нисбатан эса 4,1 фоизни ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мазкур соҳани ривожлантиришда мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимиз томонидан 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республи-**



каси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ушбу соҳани тубдан ислох этиш-

да муҳим босқични бошлаб берди. Юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий моде-

ли **“Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”**га эришишнинг самарали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилди.

Ҳозирда барча вилоят марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббий марказлар тармоғи фаолият юритмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларида замонавий асосда жиҳозланган 3 минг 200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича замонавий тизим яратилди, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида перинатал ва скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар бугун халқимизнинг саломатлигини сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шахноза ЭСАНОВА,  
Тошкент вилояти  
адлия бошқармаси  
масъул ходими

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси  
Тергов бошқармаси тизимларида бўш бўлган  
терговчи лавозимларига  
танлов эълон қилинади.

Танловда олий — ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган, муддатли ёки сафарбарлик қақриув резервида ҳарбий хизмат ўтаган, шунингдек, олий ўқув юртларининг ҳарбий кафедраси курсини тамомлаб, офицерлар захирасига киритилган, бўйи 170 см. дан кам бўлмаган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота туманларида доимий истиқомат қилувчи, 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 370-56-44, 281-92-52

## Талаба талқини

## Ишга кириш тартиби

ва қонуний асослари

**МАЪЛУМКИ**, ҳар бир фуқарони ишга киришдан аввал меҳнат шартномаси қандай тузилади, иш ҳақини тўғри белгиланиши қонуний асослари борми, иш вақти ва дам олиш тартиби қанақа, нафақалар (ишсизлик ва вақтинча ишсизлик, туғил нафақалари) қимматга ва қандай ҳолларда берилса, меҳнат муҳофазаси ҳамда ишсизликнинг олдин оlish ким томонидан таъминланади, меҳнат низолари қандай ва ким томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилади, каби саволлар ўйлангилар.

ХОДИМ сифатида белгиланган ишга етган ҳамда иш бевури билан лавозим ва-зифаларида ёки меҳнат шартномасида белгиланган маълум бир ишни бажаришга тайёр бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Меҳнат шартномаси тузилгандан кейин 5 кундан ортиқ ишлаган ходимга иш бевури меҳнат дафтарчаси юритиш шарт. Меҳнат дафтарчаси ходимнинг иш стажини ҳисоблаш мақсадида юритилади.

Ишга кириш ва меҳнат шартномасини тузишнинг расмийлаштириш учун ходим иш бевурига қўйиладиган ҳужжатлари:

ринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани (Маълумотнома шакли Меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофазаси қўлиш вазирлиги томонидан тасдиқланган);

ҳарбий хизматга мажбурлар ёки қақрилувчилар тегишли ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома; қонун ҳужжатларида мувофиқ махсус маълумотга эга шахсларга бажариш мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртини таъминлаганлиги тўғрисидаги дипломини ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномадан ёки бошқа

тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида қўрсатилмаган бошқа ҳужжатлари талаб қилиш тақиқланади. Ортиқча ҳужжат талаб қилиш Меҳнат кодексининг 80-моддасига эид ҳисобланиб, айбдор мансабдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маълумий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача жарима солишига асос бўлади.



Табиийки, меҳнатга яраша иш ҳақи белгиланиши керак. Унинг миқдори расман белгилан қўйилган тартиқлиқ учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги каби Конституцияда белгиланган принципларга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасида энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори қонунларда белгилан берилгандан кам бўлиши мумкин эмас.

Бону  
РАҲИМБЕРГАНОВА,  
ТДЮ талабаси

## Нафс

## Тилла тутқичли чамадон

сири фoш этилди



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 1997 йил 10 октябрдаги **“Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонида мувофиқ республикамиздан тилла ва заргарлик буюмларини экспорт қилиш фақатгина Вазирлар Маҳкамаси қўрсатмасига асосан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан ўз манфаатини кўзлаб, тилла ва заргарлик буюмларини юртимиздан ноқонуний олиб ўтишга уринаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Яқинда “Тошкент-Аэро” иқтисослаштирилган божхона комплексини ходимлари томонидан йирик миқдордаги тилла буюмларнинг давлатимиздан ноқонуний олиб чиқилишига нуқта қўйилди.

“Тошкент — Истанбул” рейси бўйича парвозга шайланган тошкентлик О.Сайидносовнинг бе-зoвталиниши божхоначиларда беҳизга шубҳа уйғотмаган экан.

Одатдагидек, йўловчининг қўл юки назорат-рентген аппаратидан ўтказилганда мониторинг тас-вирларнинг шубҳали тус олиши божхоначиларни чамадон тутқичларини ҳам синчиклаб кузатишга ундади. Амалдаги тартибларга мувофиқ ва ҳолислар иштирокида тутқичлар очиб кўрилганда, уларнинг орасига моҳирлик билан қўйма тиллалар жойлаш-тирилгани фoш бўлди.

Дастлабки суриштирувларга кўра, божхона ба-ённомасида ва оғзаки суриштирувлар пайтида маълум қилинмаган, оғирлиги 2,3 килограммдан ортиқ

қўйма тиллаларнинг қаердан пайдо бўлиб қолгани сўралганда, О.Сайидносов ўзини гўёки билмаганга олди.

Яна бир фуқаро — Учтепа туманида истиқомат қилувчи Б.Жўраев ҳам Туркияга парвози олдида чамадонининг кўз илғамас қисмлари-га жойлаштирилган 5,2 килограммдан ортиқ қўйма тиллаларни кўриб, гўёки ҳайратга тушди.

Унинг ҳамроҳи М.Илҳомовнинг баҳонаси эса сал бошқароқ тус олди. У ўзига нотаниш бўлган кимсанинг илтимосини рад қила олмай, унинг чамадонини Истанбулга етказишни зиммасига олибди. Қаранг-ки, бу аёлга тегишли чамадоннинг таркибий қисмлари ўрнига 4,7 килограммдан ортиқ қўйма тиллалар усталик билан яширилган, бу ҳам етмагандек, божхоначиларни чалғитиш мақсадида устидан қора рангга ҳам бўялган экан.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона теқширувлари ва суриштирув жараёнлари да-вом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2012 йил мобайни-да республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва-киллари билан ҳамкорликда аниқланган 371 та қонунбузарлик ҳолатларида салкам 34 кило-грамм тилла ва заргарлик буюмларининг ноқо-нуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

“Тошкент-Аэро” ИБК  
Ахборот хизмати



### Савол-жавоб

— Кўшни республикада туғилганман. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномам йўқолган. Энди гувоҳномами қандай, қаердан олишим мумкин?  
**М.ТУРСУНОВА,**  
**Хатирчи туманидаги Лангар кўргони**

— Сиз шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз билан яшаш жойингиздаги ФХДБ бўлимига ариза билан мурожаат қиласиз. У ерда анкета тўлдирасиз. ФХДБ бўлими уни тасдиқлаб, туғилишингиз қайд этилган ФХДБ бўлимига юбориб, сўров орқали гувоҳномагизни олиб бериши халқаро меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

— Турмуш ўртоғим билан 10 йилдан буён бирга яшамаймиз. Лекин қонуний никоҳимиз бекор қилинмаган. У Россияда ишлабди. Яқинда у ердан никоҳимиз бекор қилинганлиги ҳақидаги суд қарорини почта орқали юборди. Менинг паспортимда никоҳ ҳақидаги штамп ҳали мавжуд, никоҳни бекор қилиш ҳақидаги штампни қўйдириш учун мен Россияга боролмайман-ку, нима қилишим керак?

**Т.МИРЗАЕВ,**  
**Хатирчи туманидаги Олчинобод ҚФЙ**

— Россия Федерацияси томонидан никоҳ бекор қилинган ва қонуний кучга кирганлиги ҳақида муҳр мавжуд бўлган суд қарорининг асл нусхаси ва паспортингиз билан Сиз рўйхатда турган жойингиздаги ФХДБ бўлимига ариза билан мурожаат қиласиз ва тегишли давлат божларини тўлайсиз. ФХДБ бўлими Сизга никоҳни бекор қилиш ҳақидаги гувоҳнома беради ва паспортингизга никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги штампни босади.

— Ота-онам бир вақтлар Козогистонга кўчиб кетиб, ўша жойда вафот этган. Укам уларнинг ўлими тўғрисидаги гувоҳномаларни йўқотиб қўйибди. Ҳозир нотариус улардан қолган уй-жойларни менинг номимга расмийлаштириш учун уларнинг ўлимини тасдиқловчи ҳужжатни сўрапти. Козогистонга танишларимдан бири бориб келмоқчи. Мен ариза ёзиб у кишидан бериб юборсам, ўлим ҳақидаги гувоҳномаларни олиб кела оладими?

**К.МАМАРАСУЛОВ,**  
**Хатирчи туманидаги Янгиробод ҚФЙ**

— Йўқ, ариза эмас, Сиз у кишига ишончнома ёзиб, нотариус орқали тасдиқлаб бериб юборинг. У киши Сиз берган нотариал тасдиқланган ишончнома орқали ота-онангнинг ўлими ҳақидаги гувоҳномаларни олиб келади ёки яшаб жойингиздаги ФХДБ бўлимига мурожаат қилсангиз сўровнома орқали ушбу гувоҳномаларни олиб бериши мумкин.

**Саволларга Хатирчи тумани ФХДБ бўлими мудири Насиба Тўраева жавоб берди.**

— Фуқаро вафот этганидан сўнг ундан қолган мол-мулкларни меросхўрлар ўртасида қандай тақсимланади?

**М.ТОШБЕКОВА,**  
**Сайхунбод тумани**

— Нотариус мерос очилганлиги ҳақидаги хабарни олгач, бу ҳақда меросхўрларни хабардор қилиши шарт. Нотариус бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ошқора маълум қилиши ёки хабар бериш йўли билан ҳам меросхўрларни қақариши мумкин.

Мерос очилган жойдаги нотариус қонун ҳужжатлари-га мувофиқ меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризаларни қабул қилади. Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризалар ёзма равишда берилиши керак.

Мерос очилган жойдаги нотариус қонун ҳужжатлари-га мувофиқ мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилади. Даъволар ёзма баён этилиши шарт.

Мерос очилган жойдаги нотариус, башарти меросхўрларнинг, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради.

**Саволга Гулистон шаҳар 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Муҳаббат Худойбердиева жавоб берди.**

— Мамлакатимиздан олиб чиқиши мумкин бўлмаган қимматли маданий бойликлар ҳақида ба-тафсил маълумот берсангиз.

**Рустам Хўжамқулов,**  
**Каттакўрғон тумани**

— Ўзбекистон Республикасининг “Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида давлатимиздан олиб чиқиши мумкин бўлмаган маданий бойликлар рўйхати келтирилган. Улар:

— эллик йил ва ундан олдинроқ яратилган маданий бойликлар;

— давлат томонидан муҳофаза қилинган ва реестр-ларига киритилган маданий бойликлар;

— Ўзбекистоннинг давлат ва жамоат музейлари, архивлари, кутубхоналари ва бошқа сақлаш жойларида доимий сақланаётган маданий бойликлар.

Қолаверса, облигация, вексель, чек, депозит ва жа-мгарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига бе-райдиган ҳамгарма дафтраси, консомент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари қимматли қоғозлар жумласига кириб, улар ҳам ҳуқуқий ашё сифатида ҳимояланади.

**Азиза Дўстова,**  
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 6 февралдаги 20-ум-сонли буйруғига асосан Азимов Фарход Рахматуллаевичга 2009 йил 21 майда берилган ВН 000096-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат-лик мақоми тўғрисида.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 11 февралдаги 25-ум-сонли буйруғига асосан Пардаев Фарход Рахматуллаевичга 2009 йил 21 майда берилган ВН 000039-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат-лик мақоми тўғрисида.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 6 февралдаги 18-ум-сонли буйруғига асосан Азимов Яндас Ахмедовичга 2009 йил 21 майда берилган ВН 000079-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат-лик мақоми тўғрисида.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 19 ноябрдаги буй-руғига асосан виллоятдаги “ISHONCH ADOLAT YULDUZI” адвокатлик фир-маси адвокатлари Рахматов Шавкат Хайдарович, Тўраев Олим Жақуло-вич ва Мухомов Улғабек Рузиевичларнинг ҳуқуқий тўғилган адвокат-лик мақоми уларнинг Ўзбекистон Республикасида “ISADOLAT-EL” адвокатлик фир-масига адвокат сифатида ишга кириши муносабати билан бошқарма-сининг 2013 йил 7 февралдаги 22-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

**ИСТИҚЛОЛ** йилларида эришилган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз борганда, барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган умулмиллий дастурлари-миз, даволаш муассасаларининг замонавий кўриниш олиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланаётганлиги алоҳида эътироф этилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳозирги кунда ривожланган давлатлар тараққиётни, аввало, фуқароларнинг соғлиги қай даражада таъминлан-ганлиги билан ҳам ўлчанади.

ҲАҚИКАТ қиёсда билина-ди, дейдилар. БМТ маълу-мотларига кўра, кейинги йил-ларда дунёнинг 34 та мам-лакатида ўртача умр кўриш даражаси пасайиб. Ўзбеки-стонда эса 1991 йилдан буён ўтган даврда одамлар-нинг ўртача умри 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларда эса 75 ёшга узайишига эришилди. Шу биргина мисолнинг ўзи ҳам мамлакатимизда танлан-ган соғлиқни сақлашнинг миллий модели тўғри экан-ини тасдиқлаб турибди. Юртимизда фаолият кўрса-таётган санаторияларнинг ҳам бу борада алоҳида ўрни борлигини эътироф этиш лозим. Масалан, йилига қарийб 1500 дан ортиқ фу-қаронинг хордиқ чиқариб, соғлигини тиклашда туну кун хизмат қилиб келаётган Қиб-рай клиник санаторияси фа-олиятидан бугун кўпчилик юртдошларимиз мамнун.

Асаб касалликлари ва юрак қон томирларини да-волашга ихтисослаштирил-ган мазкур санатория 1986

## Қибрай санаторияси: халқ соғлиги, юрт фаровонлиги

### иш фаолиятнинг асосий мезони




йилда Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги қошида ташкил қилинган. Бу даргоҳ 70 ўринга мўлжалланган бўлиб, уларнинг ҳаммаси люкс хо-

## Реклама ўрнида

аълочиси Абдулла Шоноси-ров.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам сана-тория раҳбари айтганидек, мазкур даргоҳга кириб бо-ришингиз билан у жойдаги тоза ҳавони тезда хис қила-сиз. Доим эсиб турадиган майин шабада эса сизга хо-тирjamлик бахш этаётган-дай бўлади. Биз мазкур ма-қолани тайёрлаш учун са-наторияга бордингизда, қиш мавсуми бўлишига қарамадан, санатория бо-ғида дам олувчиларни уч-ратганимиз ҳам санатория иқлимнинг ўзгачалигидан далолатдир. Қибрай клиник санаторияси фаолияти ҳақида яхши тасаввурга эга бўлиш учун у жойда дам олаётганларнинг фикри би-лан қизиқдик.

— Қибрай клиник санато-риясининг умумий майдони 25 гектардан иборат. Ҳозир майдоннинг 5 гектарига 17 турдаги мевали дарахт қўчат-лари экилиб, боғ яратилмок-да. Санатория ҳудудиди-га арча, қарағай каби дарахт-лар ҳаво мусаффолигини сақ-



байёрланаётган овқатлар ви-таминларга бой.

**Анвар ҒАБУРОВ, Тош-кент шаҳри:**

— Қибрай клиник санато-риясига биринчи марта ке-лишим. Танишларимнинг кўпчилиги шу ерда давола-ниб кетишган. Яратилган ша-роитлар ҳақида улардан эшитганим, лекин бу жой эшитганимдан ҳам зиёда экан. Бу масканда инсон са-ломатлигини тиклаш учун барча шароитлар етарли. Буни санатория ҳудудига кирганимдаёқ сездим: енгил ҳаво инсонга тетиклик бахш этади, руҳиятни кўтарди.

**Хулкар ТҶИМАНОВА,**  
**“Маърифат” газетаси бў-лим муҳаррири, Ўзбекис-тон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:**

— Мазкур санаторияга илк бор ташриф буюрдим. Бу ердаги муолажалар, яратил-ган шароитлар, айниқса, хо-димларнинг муомалалари ҳавас қилса арзигулик. Бу масканда менга энг ёққани бадан тарбия машғулотлари



Ёрбек ИСКАНДАРОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

## Одам савдоси — аср муаммоси

# Эҳтиёт бўлинг: “жонли товар”га айланиб қолманг

ОДАМ САВДОСИ — дунё ҳамжамияти олдида турган энг жиддий муаммолардан бири. Одамларни мажбурий меҳнатга ёллаш, болаларни эксплуатация қилиш, “уй қу-лиги”, тиланчиликка йўнал-тириш, турли қуролли мо-жароларда фойдаланиш, ин-сон органи билан савдо қилиш — буларнинг барчаси ушбу шафқатсиз жиноятнинг турли кўринишларидир.

Ҳар йили минглаб эркак, аёл ва болалар турли дав-лат чегараларини кесиб ўтиб, бевосита ёки билвос-сида қилинаётган зўрлик ёки унинг таҳдиди остида савдо қилиш — буларнинг барчаси ушбу шафқатсиз жиноятнинг турли кўринишларидир.

Бугунги кунда ушбу сар-ҳад билмас жиноят — ноқо-нуний даромад келтирувчи асосий бизнес турларидан бирига айланган. Экспертлар фикрига кўра, одам савдо-сининг томир отиб ривож-ланишига таъсир қўрсатаёт-ган асосий омил бу — фуқа-ролиги ва миллиятдан қатъи назар доимий фаолият кўрсатувчи уюшган жиноий уюшмалар тизимининг мав-жудлигидир.

Тарихда салбий из қол-дирган, қадимги дунё илла-ти бўлган бу муаммоларнинг XXI асрда қайта туғилганлиги ва дахшатли кўч билан ривож-ланиш бораётганлигини тан олишга мажбурмиз. Бугун дунё ҳамжамиятида бўлгани-дек, республикамизда ҳам “жонли товар” билан савдо қилувчи халқаро жиноий ти-зим муаммоси мавжуд. Бу муаммоларнинг доираси унинг байналмилаллиги, латентли-ги ва жиноий уюшмаларга даромад келтириш билан характерланади.

Одам савдоси қурол-яроғ ва гивҳанд моддалар сав-досидан кейинги ўринда ту-радиган даромад келтирувчи



ноқонуний фаолият туридир. Мамлакатимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқти-соидётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат сифатида инсоннинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатларини қа-ролатлади. Шунинг учун ҳам республикамизда одам сав-досига қарши кураш — дав-лат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки ушбу муам-мо давлатнинг миллий хавф-сизлигига, барқарор ривож-ланишига таҳдид солади, иқтисодийёт асосларини из-дан қилдиради, инсон ҳуқуқла-ри ва манфаатларига жиддий путур етказиши.

Мамлакатимизда одам савдоси жиноятининг олди-ни олиш, унга қарши кура-шиш, бу жиноятнинг оқибат-ларини бартараф этиш мақ-садида Ўзбекистон Респуб-ликасининг 2008 йил 17 ап-релда “Одам савдосига қарши курашиш тўғриси-да”ги Қонуни қабул қилин-ди. Фуқароларнинг манфа-атларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган ма-зкур Қонуннинг кучга кири-ши одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий му-носабатларни такомиллаш-тиришга, ушбу жиноятнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга, оқибатла-рини қамайтиришга ёрдам беради.

Дунёдаги барча мамлакат-лар турли кўринишларда на-моён бўлаётган ушбу жино-ятдан жабр кўраётганлиги, ҳар бир давлатдан биргалик-да кураш олиб боришга ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва конвенцияларга қўши-лишни тақозо этмоқда.

Хусусан, юртимизда ушбу трансмиллий жиноятнинг ол-дини олишда биринчи нав-батда чет элда иш билан таъ-минлаш билан шуғулланув-чи лицензиясиз ташкилот-ларнинг фаолияти ҳамда жисмоний шахслар томони-дан иш билан таъминлаш борасидаги эълонларнинг қонунийлиги устидан назо-ратни кучайтириш, ноқону-ий фаолият билан шуғул-ланаётган шахсларга жазо чорасини кучайтириш, шун-ингдек, фуқаролар алданиб қолганининг олдини олиш мақсадида уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ло-зим. Бу борада ҳуқуқчи мо-ҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллалар, шунингдек, биз нотариуслар ҳам ҳуқуқий та-риббот олиб бориб, ҳамкор-лиқни янада кучайтириши-миз муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

**Саодат БЕГИМОВА,**  
**Сурхондарё вилояти**  
**адлия бошқармаси**  
**масъул ходими**

## Гиёҳвандлик — иллат

МАЪЛУМКИ, гиёҳвандлик дунё ҳам-жамиятини ташвишга солиб келаётган долзарб муаммодир. XXI аср вабоси деб аталмиш бу заҳри қотил, ҳар йили неча минглаб одамларнинг ёстигини қуритмоқда. Наркобизнес корчалонла-ри ўз шахсий манфаатларини кўлаб, ёшларни турли алдов йўли билан ги-ёҳвандлик домига тортаётганлиги би-лан ҳам дахшатлидир. Тегинли соҳа мутахассисларининг таҳлилларига кўра,

гиёҳвандлик дардига муштало кимсалар бора-бора ўз хатти-ҳаракатла-рини бошқара олмайдиган руҳий хасталикка ча-линадилар. Қотиллик, босқинчилик, талон-то-рожлик ва оғир турдаги зўравонлик каби мудҳиш фожиаларнинг асл зами-рида ҳам асосан гиёҳ-вандлик ётиши ўз исбо-тини топган.


Шунингдек, жамияти-миз саломатлиги учун хавфли бўлган оқумли ОИТС, гепатит, сил, заҳм каби тери талосил касал-ликларини тарқатувчилар ҳам гиёҳван-длардир.

Кейинги йилларда гиёҳвандлик мод-дасини истеъмол қилиш даражаси 8 фоиз ошганини тўғрисидаги БМТ маъ-лумоти дунё ҳамжамиятини янада хушёрликка ундайди. Яна бир ачина-ри томони, дунёга келаётган ногирон болаларнинг ҳар ундан иккиси гиёҳ-вандликнинг машъум асоратидир. Ай-рим кимсалар “дўст”ларининг қутқуси билан, охирини йўламай заҳри қотил домига тушиб қолмоқдалар. Улар бу ен-гил-елпи хатти-ҳаракатлари билан на-фақат ўзларининг, балки ота-оналари, фарзандлари ва яқинларининг ҳаёти-ни нақ дўзахга айлантиришини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Юқорида айтганимиздек, наркобиз-нес корчалонлари ёшларни, аксарият ҳолларда ота-онани пулдор йигит-қиз-ларни, гиёҳвандлик тўрига тортишга ҳаракат қилмоқдаларки, бу дардга ча-лингилар ҳар қандай қабохатга қўл уришдан асло тап тортмайдилар.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу иллатга қарши курашда ҳар бир дав-лат органи, жамоат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик бирдай масъулият билан ёндашсагина, жамиятимиз соғ-

# Оғу гирдоби



лом, фарзандларимиз биз орзу қил-гандек, қомил инсон бўлиб етишади. Гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг фожиавий оқибатларини кенг аҳоли ўрқасида тарғиб қилиш Адлия вази-рлиги идора ходимларининг ҳам му-ҳим вазифаларидан бири саналади. Шу нуқтаи назардан, ФХДБ бўлими ходимлари томонидан туман ҳуқуқ тар-тибот идоралари ходимлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, ота-оналар иштирокида ёшлар ўртасида “Оғусиз ҳаёт”, “Гиёҳ-вандлик — иллатнинг боши”, “Аср ва-боси”, “Қашандалик келтирган қулфат” мавзуйда турли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу каби тадбир-ларимизда гиёҳвандликнинг бутун дахшатли асоратлари акс этган ви-деороликлар намойиш қилинади. Ўйлаймизки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси гиёҳвандликка қарши ку-рашини ўз виждон амри деб билсаги-на, амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатларимиз ўзининг қутилган на-тижасини беради.

**Қумри ТАШТАНОВА,**  
**Тошкент вилояти адлия**  
**бошқармаси масъул ходими**